

## ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ЮКСАЛТИРИШДА АЖДОДЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ.

Расулова Ф.О.

Чирчиқ шаҳар политехникуми гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада мард ва жасур саркарда аждодимиз Жалолиддин Мангубердининг қалбида ёвга нафрат ва Ватанга муҳаббат туйғуларининг сингдирилиши, муқаддас Ватанимизни мўғул босқинчиларидан ҳимоя қилишда олиб борган қахрамонона кураши, Она ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган бемисл қахрамонликлари ва мардона кураши ҳақида ҳикоя қилинади.

**Калит сўзлар:** Ватан, буюклик, Ватанпарварлик, мустақиллик яловбардори, маънавият, “Кубровия”, садоқат, мўғул, „Жазокор“ кўшин, Парвон дашти.

**Аннотация:** В данной статье рассказывается о воспитании ненависти врагам, и любви к Родине в сердце нашего смелого и отважного полководца, нашего предка Джалалуддина Мангуберди, его героической борьбе за защиту нашей святой Родины от монгольских захватчиков, его несравненном героизме и доблестной борьбе в обороне. Родины.

**Ключевые слова:** Родина, величие, патриотизм, носитель независимости, духовность, «Кубравия», верность, монголы, войско «Карателя», Парванская степь.

**Abstract:** This article tells about the inculcation of hatred and love for the Motherland in the heart of our brave and brave leader, our ancestor Jalaluddin Manguberdi, his heroic struggle to protect our holy Motherland from the Mongol invaders, his incomparable heroism and valiant struggle in the defense of the Motherland.

**Keywords:** Motherland, greatness, patriotism, the bearer of independence, spirituality, "Kubroviya", loyalty, Mongol, "The Punisher" army, Parvan steppe.

Ватан! Мана шу бир сўзнинг замирида қанчалар маъно, қанчалар қудрат бор. Ватан деган улўғ тушунча инсон юрагига Она сути, меҳри орқали жо-бажо бўлади.

Инсондаги ватанпарварлик эса бола улғайгани сайин киши қалбининг, юрагининг тубида аста-секин улғайиб боради.

Ватанни севмоқлик, уни кўз қорачиғидай асраш шу ватанда яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчидир. Ватанни асраб-авайлаб, унга сидқидилдан хизмат

қилишда, ўсиб келаётган ёш авлодларимиз қалбида ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда Ватанимиз тарихида ўз қахрамонликлари билан ўчмас из қолдирган буюк саркарда аждодларимизнинг бой маънавий мероси муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

1198 йил Хоразм Султони Муҳаммад Хоразмшоҳ оиласида авлоди шаънини дунёларга таратувчи, метин иродали, пўлатдек мустаҳкам, куч-ғайратга эга бўлган бир ўғил дунёга келди.

Инсон улғайиб вояга етиб борар экан, унинг қалбида инсоний туйғулар ҳам у билан баробар улғайиб боради. Агарда бу туйғу-Ватан деган улуғвор бир неъмат билан суғорилса – вақти келганда у ўзининг энг яхши меваларини беради.

Ватанимиз тарихининг зарварақларида исмини олтин ҳарфлар билан ёзишга лойик, кўркмас, жасур ва мард юрт ўғлони, буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг ибратли ҳаёт йўли ҳар бир ўқувчи ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Жалолиддин Мангуберди ёшлигиданок “Кубровия” маънавият масканининг шайхи ҳисобланган, Шайхул-Валитарош унвонига сазовор бўлган Нажмиддин Кубро тарбиясига берилди. Ану шу масканда Шайх Нажмиддин Кубро бирваракайига икки Жалолиддинни тарбия қила бошлади. Улардан бири дунённинг энг буюк шоири ва мутафаккири, маънавият юлдузи даражасига кўтарилган Жалолиддин Румий бўлса, иккинчиси шоҳ ўғли Жалолиддин Мангуберди эдилар.

Ҳар иккиси Шайхул-Валитарош қўлида тарбия топиб, Ватанни севиш, халқи ва она юрти учун жисмоний, руҳий-ақлий, маънавий кучларни яхлит бир йўналишга йўналтириб, шер ва асрлондек наъра тортиб ларзага келтиришнинг руҳий-мафкуравий сир-синоатларини ўрганди. Ҳар икки Жалолиддинлар – бири “Маснавий ва маънавий”ни шеърият орқали ёритиб адабият зарварақларида ўзининг ўчмас номини қолдирган бўлса, иккинчиси эса қилич билан ёвузликнинг шарқ узра ёйилишига қарши курашиб, дунёни лол қолдирдилар.

Шу жойда Султон Жалолиддин Мангуберди мана шу ёшларда шундай юксак ватанпарварлик қандай пайдо бўлган экан? деган савол туғилиши табиий. Ҳа, бу буюк инсонга рух, тан ва иродани мужассамлаштириб тарбиялашда буюк устози шаҳзодага шундай ўғитлар берди: “Ватан – бу шунчаки қора тупроқ эмас, у биз учун буюк иноят, ор-номусимиз, шон-шарафимиз, суянган тоғимиз, қолаверса, каъбамиз ҳамдир. Унга борлиғимиз фидо бўлсин. У биз учун тенгсиз, баҳоси ўлчаб бўлмас маъво. Сен эса бўтам шамшир ва қалқонда қоматини кериб жанг майдонида уни ҳимоя қилувчи афсонавий баҳодиргина эмас, баҳодирлар

султони бўлишинг тақдирига битилган шахзодасан”. (1-59) Бу билан Шайхул-Валитарош Жалолиддиннинг жисмига Ватан туйғусини жойлабгина қолмасдан, балки уни яшовчан руҳига сингдира олди. Она юрт душмани ва ғанимларига нисбатан нафрат ҳиссини алангалатди. Шу жиҳатдан олганда “Кубровия” тариқатининг бошқа тариқатлардан туб фарқли хусусияти Ватанга меҳр-муҳаббат ва содиқликнинг устуворлигидир. Яъни, Ватаннинг муқаддаслиги ва унга садоқат бу тариқатнинг бош ғоясидир.

Ватан ҳимоясини ўзига шараф деб билган Она ватанимизнинг мард ва жасур ўғлонларимиз Султон Жалолиддиннинг ворислари десак муболаға бўлмайди. Чунки мана шундай шердил ва шерюрак ўғлонларимизнинг фидокорона хизматлари туфайли юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Биз ўқитувчи ва мураббийлар эса ҳар бир ўқув машғулотларини буюк аждодларимизнинг меросини ўқувчилар, талабалар ҳамда ҳарбий хизматчилар қалби ва онгига чуқур сингдирган ҳолда, уларнинг ҳаёт йўлларида дарс машғулотларида мисоллар келтириб олиб боришимиз лозимдир.

Қахрамонимизнинг отаси ўғлининг ҳарб сирларини ўрганиши учун ўзининг ҳарбий вазири, ҳарбий санъат илмининг етук билимдони, олим ва давлат арбоби Шихобиддин ал-Ҳевақийга топширган. (1-75)

Жалолиддин ҳарбий жанг олиб боришнинг жуда кўп сирларини – жанг учун қулай жойлар танлаш, танг ҳолатда вазиятдан чиқиб кета олиш, ўша жойларни харитага тушириш каби кўплаб ҳолатларни Шихобиддин ал-Ҳевақийдан ўрганди.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида унинг шахсий котиби, тарихчи ан-Насавий шундай ёзади: **«Жалолиддин Мангуберди султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, гина сақламайдиган, очик кўнгил, тўғри сўз одам эди. У жиддий шахс эди, ҳеч қачон кулмасди. Жуда нари борса жилмайиб кўярди. У адоласизликларни ёмон кўрарди. Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқуллодда мард ва ботир саркарда эди».** (2-45)

Биз ўсиб келаётган ёш авлодга буюк саркарда бобомиз Жалолиддин Мангубердининг Ватанни севиш ва ардоқлаш хусусиятларини ҳар дақиқа сўзлаб беришимиз, ундан ўрнат олишга намуна сифатида кўрсатиб борсак мақсадга мувофиқ бўлади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам ёшларни ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашда машҳур саркарда Жалолиддин Мангубердининг

ҳаёти ва фаолияти, унинг она Ватанга бўлган тенгсиз муҳаббатидан ўрнатилишга чақирган эдилар.

Ватанимиз тарихининг шонли саҳифаларини мана шундай улуғ саркарда боболаримизнинг фаолияти ва жанг санъатлари беэба туради.

Буюк саркарда, ҳарбий жанг олиб боришда беқиёс тактика ва стратегиялар қироли Жалолоддин Мангубердиннинг номи қалбларда мангу сақланиб қолади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ж.Раҳимов. Ватаннинг шерурак баҳодири. Т.: Талқин, 2015
2. Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангубердиннинг таржимаи ҳоли. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2006.